

## Қарор ижросини таъминлаш йўлида

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни экологик талаблар асосида янгилаш, атроф-муҳит, инсон саломатлиги учун хавфсиз технологияларни жорий қилиш жараёни жадал тус олмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида жорий йилнинг 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 ноябрда қабул қилинган “Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида” умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақидаги 326 - сонли қарорининг бажарилиши тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлим бошлиғи Эрали Бозоров сўзга чиқиб, ҳозирги кунда Республика бўйича 45,5 фоиз автотранспорт воситалари сиқилган газда ишлашга мослаштирилган деб айтиб ўтди. Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларини портлаши ва ёрилиб кетиш ҳолатлари бўйича маълумот бериб, жорий йилда республикамиз ҳудудида сиқилган ва суюлтирилган газ қуйиш шаҳобчаларида 8 та автотранспорт воситалари ортиқча (250-260 атмосфера) босим остида газ тўлдирилганлиги туфайли портлашлар юзага келган. 2015 йилда Жиззах вилояти ҳудудида сиқилган ва суюлтирилган газ туфайли 1 та одам халок бўлган, 1 та одам тан жароҳати олганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу ўринда йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси, “Ўзстандарт” агентлиги, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ходимлари билан биргаликда ўтказилган текширувлари натижасига кўра, 14 та ташкилотдан 9 тасида камчиликлар аниқланган бўлиб, уларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида газ–балон ускуналарини ўрнатувчи корхоналарда профилактика ишлари ҳамда газ–балон ускуналаридан фойдаланадиган ҳайдовчиларга тушунтириш ишлари ва тегишли кўрсатмалар бериш кераклигини тавсия этди.

“Саноатгеоконтехназорат” ДИ инспектори Адҳам Миркомиллов ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги бўлим бошлиғи Жамолиддин Мелибоевлар Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 ноябрдаги 326-сонли қарори билан тасдиқланган техник регламентнинг вазифалари, инсонлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, юридик, жисмоний шахслар ва давлатга қарашли мол-мулклар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлиги ҳақида тушунтиришлар беришди. Шунингдек, газ ёнилғисида ишлашга мўлжаллаб ишлаб чиқарилган ёки қайта жихозланган автотранспорт воситасининг модели “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аккредитациядан ўтиши, кўрсатиладиган хизматлари жаҳон андозалари талабларига мос бўлиши, техник регламент бўйича синовдан ўтиши шартлигини таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бўлим бошлиғи Шербек Эрбеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2015 йил 11 ноябрдаги “Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламенти тўғрисида”ги 326-сонли қарори юзасидан ўз фикрларини баён этиб, йиғилишга ташриф буюрган корхона раҳбарларининг қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Сўзга чиққанлар техник регламент талабларини бажарилиши, одамлар ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишда, автотранспорт хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда, кўлга киритилган ютуқлар билан бирга, айрим камчиликлар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмаслиги, соҳада турли касб эгаларининг фаолият юритиши, четдан олиб келинаётган айрим газбаллонларнинг сифати пастлиги, уларни синаш ва сертификациялаш лабораторияларининг камлиги оқибатида нохуш ҳолатлар ҳам рўй бераётганлиги айтиб ўтилди.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарларига юқорида кўрсатиб ўтилган давлат идораларига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш ва доимий равишда биргаликда иш олиб бориш тавсия қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси, “Ўзстандарт” агентлиги, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси ходимлари ва автотранспорт воситаларини газ ёнилғисида ишлаши учун газ – баллон ускуналарини ўрнатиш билан шуғулланувчи 25 та корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Умумий техник регламентнинг бугунги кунда кучга кирганлиги эса, барча автомобилларга экологик жиҳатдан безарар, хавфсиз, иқтисодий томондан фойдали ҳисобланган замонавий технологияни қўллаш жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Зеро, бу регламент замирида юртимиз табиий бойликларидан унумли фойдаланиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишдек эзгу мақсад мужассамдир.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати